

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2014 йил
1 февраль
ШАНБА
№ 10 (12646)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбек жанг санъати

ХОНОБОДДА ЧАҚНАГАН ЮЛДУЗЛАР

Шундай спорт турлари борки, у фақат бирор миллатга хос бўлади. Ўзбек жанг санъати шундай спорт турларидан бири. У жисмоний ва маънавий камолот воситаси сифатида халқаро миқёсда тан олинапти. Шу сабаб бу спорт турининг нуфузи тобора ортиб, ёшлар қизиқиши билан қарашаяпти.

Зангиота туманидаги Ўзбек жанг санъати миллий федерацияси мураббийи, 4-даража қора белбоғ соҳиби Баҳодир Назаров билан шу спорт тури ҳақида суҳбатлашдик.

– Ўзбек жанг санъати қачон пайдо бўлган, унинг ўзига хос жиҳатлари нимада?

– Ўзбек жанг санъати яккакураш спорт турларидан бўлиб, ота-боболаримиздан қолган мерос, темирйиллар жанг санъатининг замонавий кўринишидир. Илдизи "яккама-якка жанг" санъатига бориб тақалади. Унинг замирида "темирйиллар жанг усули", "кўл жанги санъати", "кураш", "етти тирсак" каби жанг усулларининг энг сара, мукамал ҳаракатлари мужассамлашган. Қадимда Жалолиддин Мангуберди, Пахлавон Маҳмуд, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби аждодларимиз жанг санъатининг моҳир усталари бўлишган ва жангу жадалларда катта доврўқ қозонишган. Камтарлик, ҳалоллик, матонат, ўзини назорат қила олиш, руҳан кучлилик каби фазилатлар ушбу спорт турининг асосий жиҳатларидир.

Хозир Японияда каратэ, дзюдо, айкидо, Жанубий

Кореяда таэквон-до, тангсу-до каби спорт турлари дунё халқлари олкишига сазовор бўлмоқда. Ўзбек жанг санъати ҳам шундай спорт турларидан саналади. Бундан 400-500 йиллар илгари ўнлаб яккакураш турлари, юзлаб ўйинлар мавжуд бўлгани тарихий қўлёзмалардан маълум. Аждодларимиздан қолган ҳарбий санъат тури воситасида ёш авлодни ҳам жисмонан, ҳам руҳан чиқариштириш, шунингдек, Ватанимиз тарихи, маданияти ва бой аъналарига қизиқишини кучайтириш мақсадида 2009 йил 14 апрелда Ўзбек жанг санъати миллий федерацияси ташкил этилди. Уша йилнинг ноябрь ойидан миллий спорт турлари таркибига киритилди. Унинг ўзига хос қонун-қоида, либоси, мусобақа жараёнида ишлатиладиган атамалари ишлаб чиқилди. Хозир ушбу спорт тури халқаро майдонда ўз нуфузига эга.

(Давоми 4-бетда).



Муносабат

Бугун юртимизнинг минг-минглаб спортсевар ёшлари ҳеч қимдан кам бўлмай камол топмоқдалар. Ҳар бир истеъдод эгасини катта спорт мажмуалари сари бошлашга, бошқача айтганда, уларга майдонни кенг очиб беришга хизмат қилувчи саъй-ҳаракатлар тобора кучайтирилмоқда. Юртимиз шаҳарларидан тортиб, чекка-чекка қишлоқларида барпо этилаётган замонавий спорт иншоотлари ҳам шу эзгу умидлар рўёбига хизмат қилаётир. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, буюк келажакни фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина бунёд эта олади. Бинобарин, саломатлик – жисмонан етуклик, ақлан баркамоллик, жасорат ва мардлик, мустаҳкам ирода, демакдир.

БАРКАМОЛ АВЛОД КАМОЛОТИ

... Собиқ синфдошим билан бир пайтлар ўзимиз таҳсил олган мактаб ёнидан ўтиб бораётганимизда, ҳамроҳим шундай деб қолди:

Шу мактабда ун йил ўқиб, бирор марта спорт билан мириқиб шугулланганимни билмайман. Жисмоний тарбия дарслари ўлда-жўлда эди. Қиш-қировли синфларда-ку, дарсларни синф хонасида шашка ўйнаб ўтказардик. У ҳам етишмасди. Тўрт киши ўйнаса, йигирматамиз томошабин бўлардик.

Хамроҳим тўри айтаётганди. Бу анча йиллар аввалги гап. У пайтлар чиндан ҳам, фақат бизнинг эмас, юртимизнинг кўпгина худудларида спорт иншоотлари етишмас, болаларнинг спорт билан шугулланиши ҳаминкадур эди.

Мана, мактабимиз "пешона"сига спорт зали битадиган кунлар ҳам бор экан. Фарзандларимиз бу бахтга эришди. Ошнам ҳаёлимни уқандек давом этди: – Қайси кун иш билан мактабга кириб, оғзим очилиб қолди. Спортнинг бир неча турлари билан замонавий шарт-шароитларда шугулланаётган кишлоғимиз ёшларини куриб, шу ўзимизнинг болаларми, деб қолдим...

Дарҳақиқат, мамлакатимиз истиқлолга эришган дастлабки йилларданок, ёшлар таълим-тарбиясига, уларни ҳар томонлама етуқ, баркамол, соғлом бўлиб вояга етишларига давлатимиз мислсиз ғамхўрлик қилаётир. Шу бекиёс эътибор туяйли юртимизнинг марказий худудларидан тортиб, энг чекка қишлоқларда ҳам кўрган кўзи қувонтирадиган таълим, маданият, спорт муассасалари бунёд этилди. Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш масаласи давлат сиёсатининг устувор дастурларидан жой олди. Президентимиз таъбири билан айтганда: "Ниманики ўз олдимиизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизиде, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажagini кўриш, дунёда ҳеч қимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орсуси мужассамдир".

Ҳақиқатда болалар билан ушбу грант дастури асосида коллежда "Саломатлик" хонаси ташкил этилди. Юлдузхон муҳиддинова.

(Давоми 4-бетда).

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

ҒАШГА ТЕҒАЁТГАН КУРМАКЛАР

Вилоятимиз шаҳар ва туманларида "Давлат тили ҳақида"ги ва "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги қонунларни ҳаётга таъминлаш борасида анча ишлар амалга оширилмоқда. Бу қонунлар ижросини таъминлаш бўйича вилоят, шаҳар ва туман комиссиялари ҳамда уларнинг режалари тасдиқ-

ланган, тегишли меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Мазкур комиссиялар ижро назорати билан бирга, амалий ишларни ташкиллаштириш, тартибга олиш ва мувофиқлаштириш тadbирларини олиб бораёпти. Хусусан, топонимик объектларни номлаш ва қайта номлаш юзасидан қатор салмоқли ишлар қилинаёпти.

(Давоми 2-бетда).



Тadbир

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ТАРҒИБОТИ

Миллий тикланиш демократик партияси Зангиота тумани кенгаши Хунармандлар мажмуасида "Фуқароларнинг сиёсий етакчилиги сифатларини шакллантириш ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти" мавзусида тadbир ўтказди.

Тadbирда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида корхона, муассаса ва ташкилотларда ҳуқуқий адабиёт бурчакларини ташкил қилиш, ёшларнинг турли оқимларга кириб кетишининг олдини олиш мақсадида ҳуқуқий муҳофазат қилувчи органлар ходимлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбирда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида корхона, муассаса ва ташкилотларда ҳуқуқий адабиёт бурчакларини ташкил қилиш, ёшларнинг турли оқимларга кириб кетишининг олдини олиш мақсадида ҳуқуқий муҳофазат қилувчи органлар ходимлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

– Ватан химоячиларига бағишланган тadbирларни ҳам юқори савияда ўтказдик, – деди кенгаш раиси

Ҳақим Назарова. – Қўксаройда қишлоқ фуқаролар йиғини ва маданият уйи билан ҳамкорликда ўтказилган байрам дастурида аскарлик бурчини аъло даражада бажараётганларга фахрий ерлик ва эсдалик совғалари топширдик. Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил тоғланнинг 22 йиллиги муносабати билан Гулистон қишлоғида ташкил этилган "Ватанга хизмат – олий саодат" мавзусидаги тadbир ҳам қизиқarli ўтди. Феруза ТУРАЕВА.

2014 йил – Соғлом бола йили

Республика Президенти "Юқас маънавият – энгилмас куч" асарига шундай дейди: "Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги кунини, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори, авваламбор, фарзандларимизнинг униб, ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак".

ОИЛА ВА МАКТАБ – ТАРБИЯНИНГ ИККИ ҚАНОТИ

Соғлом боланинг дунёга келиши, бақувват бўлиб ўсиб, улғайиши кўпгина талаб ва омиллаларга боғлиқ. Президентимиз бу соҳадаги бешта устувор йўналиш масаласида таъкидлаганидек, соғлом бола – аввало, соғлом ва аҳил оила мева-си. Уни вояга етказишда соғлиқни сақлаш тизими ҳамда таълим-тарбия ва спортнинг, маҳалла ва ижтимоий тузилмаларнинг катта ўрни ва таъсири бор.

5 устувор йўналиш бири билан чамбарчас боғланганки, қайси халқда бўшлиқ юзага келса, буни келажақда таҳдид, миллатимизга таҳдид деб тушуномқ керак. Юрт келажagini бағрида улғайтираётган ота-оналаримиз оила жамиятининг дуру гавҳари, унинг фаровонлиги миллат фаровонлиги эканини дилга жо этмоқлари зарур. Ёшларнинг ота-она олдидеги бурчини тўла адо этишда уларга ёрдам бермоқлари лозим.

(Давоми 2-бетда).

ГРАНТ СОҲИБИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аҳолишунослик жамияти UNFPAнинг "2010-2015. Ўзбекистон Ривожлантириш дастури" доирасидаги лойиҳаси асосида республикамизнинг тиббий йўналишдаги 4 та таълим масканига грант ажратилди. Улар орасида Паркент тумани Сўқоқ агроинноват касб-хўнара коллежи ҳам бор.

Ушбу грант коллежда "Соғлом турмуш тарзи ва оила" дастури доирасидаги ишлар учун тақдим этилди.

Коллежда бўлиб ўтган грантни топшириш маросимида БМТнинг аҳолишунослик жамияти ва республика Урта махсус, касб-хўнара таълими маркази вакиллари иштирок этди.

Юлдузхон муҳиддинова.

АҚШДА ЙИРИК ТЎҒОН ВА ГИДРОЭНЕРГЕТИКА ОБЪЕКТЛАРИ ҚУРИЛИШНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ ТАҚИҚЛОВЧИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Халқаро экология ташкилотлари, шунингдек, техноген хавфлар бўйича мутахассис ва экспертларнинг узоқ саъй-ҳаракатлари натижасида 2014 йилнинг январиде АҚШ Конгресси ва Сенати муҳим қонунчилик нормаларини жорий этишни кўзда тутадиган қонунни қабул қилди ва Президент Барак Обама уни имзолади.

Мазкур қонунга мувофиқ, Халқаро молия институтлари директорлар кенгашиларидаги АҚШ вакиллари энди йирик тўғонлар ва гидроэнергетика объектилари қурилиши лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун

қарз олиш ёки ушбу лойиҳалар билан боғлиқ ҳар қандай ҳужжатни маъқуллашга қарши чиқишга мажбур.

Бугунги кунда АҚШ асосий халқаро молия институтлари, жумладан, Халқ-

ро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Халқаро ривожланиш ассоциацияси, Осие тараққиёт банки, Осие ривожланиш жамғармаси ва бошқа молия институтларининг йирик акция-

дори ва донори ҳисобланади. Америка Қўшма Штатлари ўзи акциядор бўлган барча халқаро молия институтларида тўғонлар ва йирик гидроэнергетика объектилари қурилишига қаратилган ҳар қандай лойиҳани молиялаштириш ва

маъқуллаш тўғрисидаги тақлифларни қўллаб-қувватлашни қонуний тақиллади.

АҚШ қонунчилиги ва ижро ҳокимиятларининг ушбу қарори ҳар томонлама асослидир. Чунки сўнгги йилларда эколог-мутахассислар, техноген хавфлар бўйича экспертлар, муҳандис ва ҳуқуқшунослар томонидан ўтказилган тадқиқотлар, мазкур муаммонинг халқаро даражада бир неча бор муҳокама этилиши баланд

тўғонлар қуриш оқибатида юзага келадиган салбий ҳолатлар, хавф ва таҳдидлар билан боғлиқ масалаларга оидинлик киритди. Зеро, бу билан боғлиқ масалалар айниқса тоғли шароитларда янада мураккаб тус олди, қўллаб соҳаларда олдидан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши ва тузатиб бўлмас даражада зарар етказиши мумкин.

(Давоми 2-бетда).

2014 йил – Соғлом бола йили

ОИЛА ВА МАКТАБ – ТАРБИЯНИНГ ИККИ ҚАНОТИ

Бу ўринда оиладаги тарбия мактаб тарбияси билан уй-ғун бўлса, нур устига аялло бўлади. Аммо оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигида олиб борилаётган ишларимиз ҳар доим ҳам қўлланган натижа ни бермаётти. Узоқ вақт давомида оқсаётган ўқувчилар оз эмас. Бошланғич синфлардаёқ оқсаётган ўқувчилардан кейинчалик нима кутини мумкин? Бундай қўлоқликнинг сабаби нимада? Мухтарам Президентимиз: "Бошланғич ҳисмоний ва психологик ривожланишидаги энг асосий давр – бу бошланғич синф давридир. Ҳаммаиш биланмики, собақ тузум шарафидида бу масалага, афсуски етарли аҳамият берилмас эди. Ҳали синфларда дарс бериш, асосан, ўрта махсус маълумотга эга бўлган муаллимларга топшириб қўйилган эди. Бошланғич таълимнинг ёш авлод ҳаётидаги роли ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, бундай номуккул ҳолатга бутунлай барҳам бермоқ ва бу вазифани бугунги кунда олиб маълумотли, юксак профессионал маҳоратга эга педагог кадрлар бажариши лозим", деб таъкидладилар. Ваҳоланки, вилоят мактабларида ишлаётган педагогларнинг 21 фоизи ўрта махсус маълумотга эга эканини эътиборга олсак, қўлоқликнинг илдизлири кўрингандек бўлади. Уқитувчилар ўртасида ўтказилган "Билимлар беллашуви", "Республика фан олимпиадалари" да вилоятнинг ўқувчилари кейинги ўринларда экани қалбимизга оғриқ солади, унинг

ечимларини топишга, муаммоларни бартараф этишга ундайди. Бу масаланинг бир томони. Яна бир томони борки, устозлар бераётган таълим-тарбияни ҳамма ўқувчиларнинг ота-оналари ҳам давом эттиряпти деёлмайми. Айрим ота-оналар болаларининг таълим-тарбиясини боғча ва мактаблар ичтиёрига бутунлай ташлаб қўйиб, фарзандлари учун вақт ажратмайди.

Таълим ва тарбия – миллат келажагини яратувчи куч. Келажик ҳам катта оила демокдир. Фарзандларимизнинг илм олишдаги оқоқлиги жамияти орта тортмайди? Улардаги оғриқ миллининг оғриги эмасми?

Бола шундай бир қушга ўхшайдики, унинг бир қаноти ота-онаси, иккинчи қаноти ўқитувчиларидир. Бу қанотлар бир-бирига мос характерланмаса, бола яхши ўчомайди, кўзланган пировард максада етолмайди.

Шу сабаб фарзандларимизни ҳам маънан, ҳам жисман қишлоқ иқлимиде тарбиялашда оила, таълим муассасаси, маҳалла, соғлиқни сақлаш тизимининг узвий, яқдил ҳамкорлиги зарур. Президентимизнинг: "Биз таълим ва сунъийимиз, гуруҳимиз ва ифтихоримиз бўлиши болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳурмат-эътибор билан қарашни келажикимизга бўлган ишонч, жаллимизга, халқимизга бўлган ҳурмат-эътиборимизда давом эттириш", деган сўзлари ҳаётимиз мазмунига айланмоқчи керак.

Марҳабо ҚУРБОНОВА,
Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутаты.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қишлоқ ҳўжалиги

Президентимиз Ислоҳ Каримов мамакатимизни 2013 йилда иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш йулларини ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари га бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ҳаётимизда рўй бераётган кенг қўламли ўзгариш ва янгиликларга тўхталар экан, ўтган йилги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилга нисбатан 2,3 баробар кўпайганини алоҳида таъкидлади. 2013 йилда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,8 фоизга, жумладан, деҳқончилик – 6,4 фоизга, чорвачилик – 7,4 фоизга ўсганига эътибор қаратилди.

Мамакатимизда қишлоқ ҳўжалигини, хусусан, боғдорчиликни ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижа-сида мева ва узумчиликда юқори кўрсаткичларга эришилмоқда. Бу борада интен-сив боғлар ташкил этиш ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишга қаратилаётган ало-ҳида эътибор ўз самаралари-ни бераётди.

Хосилдорлиги юқори бўлган пакана ва ярим пака-на интензив боғларнинг бар-ча ҳудудларимизда барпо этилаётгани бозорларимиз тўқин-сочилигини таъминла-ш, нарх-навоини янада ар-зонлаштириш ва экспорт са-лоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳба-рининг 2006 йил 11 январда қабул қилинган "Мева-сабза-вотчилик ва узумчилик соҳа-сини ислоҳ қилиш бўйича ташкил этиш чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу бо-радаги ишлар самарадорли-гини оширишда муҳим дасту-риламма бўлаётди.

Интенсив технологиядан асосида парваришланадиган пакана ва ярим пакана олма, нок, олхури, гилос, шафто-ли кўчатлари илк бор хориж-дан олиб келиниб, асосан Тошкент ва Самарқанд вило-ятларида синиб қўрилган эди. Ушбу мевали дархатлар мам-лакатимиз тупроқ-иқлим ша-

СЕРҲОСИЛ, ЭРТАПИШАР ВА ТЕЖАМКОР



да 1,4 минг, Қашқадарё вило-ятида 975, Навоий вилоят-ида 900, Андижон вилоят-ида 700 гектар пакана ва ярим пакана мевали боғлар барпо этилди. Жорий йилда яна 3 минг гектар шундай интен-сив боғлар яратиш режалаш-тирилган.

Интенсив боғларда асосан олма кўчатлари экилишининг боиси маъзур мева дарахти-рининг тез ҳосилга кириши-дин тез ҳосилга киришиди. Гектарига 2 мингдан ортиқ кўчат экилиши сабабли ҳосилдорлиги юқори бўлади. Олма навлари пайвандагга пайванд қилиниб, экилади. Мамакатимизда Давлат ре-стрига киритилган пакана М-9 пайвандагга ўстириладиган олма навларидан – Голд Спур, Кинг Деви, Старк Эрист, Нафис, ярим пакана

ММ-106-пайвантагга ўстири-ладиган олма навларидан эса Боравинка Ташкентская, Го-лен Делишес, Джонарет, Ко-рей, Первенец ва бошқа на-влар экилмоқда.

Бундай боғлар дархатла-рининг кичиклиги, ишлов бе-риш, суғориш, шакл бериш, дори сеписи ва мевасини те-риш қўлайлиги билан ажра-либ туради. Ҳосилнинг на-

гани сабабли сувга ўта талаб-чан. Шунинг учун тупроқда намлик нормал бўлиши ке-рак, – дейди Ўзбекистон бо-ғдорчилик, узумчилик ва ви-ночилик илмий-таъқиқот ин-ституту директори ўринбоса-ри Равшан Абдуллаев. – Агар кўчат томчилабтиб суғорил-са, у янада яхши ривожлана-ди, мева шаклининг бир хил-ли-ги сақланиб қолади.

Қишда ҳам бозорларимиз-нинг қишлоқ ҳўжалиги маҳ-сулотлари ва мева-сабзавот-лар билан тўқин-сочин бўли-шида боғбону соҳибдорлари-мизнинг меҳнати бекиёс. Улар етиштириётган сархил мева-лар дунёнинг турли мам-лакатлари га экспорт қили-наётди.

– Ҳам ердан, ҳам сувдан тежамакорлик билан фойдала-наётганимиз, интензив боғ-ларнинг эрта ҳосилга кири-ши мўл ҳосил ва юқори да-ромад олиш имконини бер-моқда, – дейди Асака тум-нидаги "Қужгон олтин дала-си" фермер ҳўжалиги раҳба-ри Махфузхон Аҳмедова. – 5 гектарлик интензив боғи-мизда 6 мўл тупдан зиёд серхосил олма кўчатлари пар-варишланмоқда. Анянавий боғ-да бир гектар майдонга 420 туп ниҳол экилса, ин-тенсив боғда бу кўрсаткич икки минг икки юзтагача ета-ди. Энг муҳими, бундай боғ-ларда томчилабтиб суғориш технологиясини жорий этиш имконияти маҳжудлиги катта микродордаги сувнинг тежа-лишига олиб келади.

Ўзбекистонимиз замини гоят саховатли. Қузда далада қолиб кетган кетмон сопи баҳорда ниҳол бўлиб униб чиқishi мумкин. Ҳўртимизда бундай боғлар келгусида яна-да кенгайди, қўшимча иш-йўриларни яратилди. Мазаги, витаминга бой мева-лар за-монавий технологиялар асо-сида қайта ишланиб, турли шарбат ва мураббо шаклида ҳажон бозорига ўз урнини топади. Бу мамакатимиз иқтисодиётини ривожланти-риш, аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилиди.

Умар АСРОРОВ,
ЎЗА муҳбири.

Олов – тилсиз ёв

ЛОҚАЙДЛИКДАН ФОЖИАГАЧА БИР ҚАДАМ

Ҳар йили содир бўлиб турадиган ёнгинлар туфайли қанчадан-қанча давлат ва халқ мулки кулга айланмоқда. Хавфсизлик қондаларига амал қилмаслик беғаровлик, масъулиятсизлик оқибатида катта моддий ва маънавий зарар қўрилмақда.

2013 йилда вилоятимиз-да жами 1748 та, жумладан фуқароларнинг тураржойла-рида 1114 та ёнгин содир бўлди. Уларнинг аксарияти Ангрен, Бекобод, Чирчиқ шаҳарлари, Охангрон, Бе-кобод, Зангиота, Қўрай, Пискент, Қуйи Чирчиқ, Ян-гийўл туманларида эъ бер-ди.

306 та ёнгин пещ ва газ ускуналарининг носозлиги, улардан фойдаланиш қоида-ларининг бузиллишидан ке-либ чиқиб, бир фуқаро ҳалок бўлди, 15 киши тур-ли даражада жароҳат олди. Оққўрон туманида 26, Пар-кент туманида 19, Чиноз туманида 20, Бўжа туманида 16, Зангиота туманида 58, Юқори Чирчиқ туманида 19, Охангрон туманида 11, Янгийўл туманида 26, Бе-кобод туманида 11, Қўрай туманида 27, Олмалик шаҳ-рида 19, Ўрта Чирчиқ тумани-да 12 ва вилоятнинг қолган шаҳар-туманларида 4-10 мартадан шундай ёнгинлар чиқди.

Жумладан, Қўрай тумани, Тузель қишлоғи, Гули-стон кўчаси, 3 "а"-уйда газ ускунасини ишлатиш қоида-си бузилиши оқибатида ён-гин содир бўлиб, уй жи-ҳозлари енди ва эгалари 500 минг сўмдан ортиқ мод-дий зарар қўрди.

Охангрон тумани, Сусам қишлоғида А. Ташановга қарашли уйда иситиш пещи дудбуронларининг носоз-лиги оқибатида ёнгин со-дир бўлиб, унинг томи, шифти ва жиҳозлари ёниб

кетди. Офат уй эгасига 125 миллион сўм зарар келтир-ди.

Ёнгин хавфсизлиги хиз-мати ходимлари ўт балоси-нинг олдини олиш, айниқ-са одамлар ҳалок бўлиши-га йўл қўймастик чорала-рини кўришмоқда. Халқ ҳўжалигининг турли тармоқ-ларида, шу жумладан, са-ноат корхоналарида, мак-таб, боғча ва аҳоли турар-жойларида режалли текши-рувлар ўтказилмоқда, фуқаро билан учрашувлар, суҳбатлар уюштирилиб, ра-дио, телевидение ва газе-талар орқали тушунтириш олиб борилмақда. Агар бу эътибор жамоатчилик ҳам эштибонни қучатири-са, ёнгинлар анча камайган бўлар эди.

Ҳўртимиз ва халқимиз бойлигини, одамлар ҳаёти-ни ёнгиндан асраш ҳамма-мизнинг ишмиғиздир. Буниг учун ёнгин хавфсизлиги қондаларига қатъий риоя қилиб, зарур чора-тадбир-ларни ўз пайтида қуриш, давлат ёнгин назорати текши-риш чоғида аниқлаган барча камчиликларни тезда бартараф этиш лозим.

Халол меҳнат қилиб топ-ган бор мол-мулким бир неча сонияда кўкка совури-либ, фожиа қурбони бўлмай десангиз, оловдан эҳтиёт-лик билан фойдаланинг!

Ўт балосига учрамаслик учун ҳаммиса ҳўшёр бўлай-лик, хавфсизлик қондалари-га амал қилайлик!

Н. ҲАҚИМЖОНОВ,
вилоят ИИБ ЕХБ бўлими катта муҳандиси.

СОФ ФОЙДА – ЮЗ МИЛЛИОН

2013 йил якунлари сарҳисоб қилинаётган йили кунларда Бекобод туманидаги "Оловидан-Омад" фермер ҳўжалиги раҳ-барли Мўътабар Тошбоева

жаларидан мамнун. Чунки ҳўжалик галла ва пахта етиштириш шартнома мажбу-риятларини ортиги билан бажариб, 104,8 миллион сўм соф фойда олди.

Мўътабар турмуш ўртоғи Собит Тошбоев раҳбарлик қила-ётган фермер ҳўжалигида иш қўрилуви бўлиб ишлаб, анча тажриба орттирди. Ўтган йилги қиш ойларида айрим сабаблар-га кўра ташлаб кетилган 115,6 гектар экин майдонини танлов-да қатнашиб, ютиб олди.

Биринчи йиллик 60 гектар галла майдонидан юқори ҳосил олинди, давлатга 169,4 тонна дон етказиб берилди. Ўз ичти-ёрида қолган 70 тонна галла эса аъзоларни рағбатлантириш ва ҳўжалик эҳтиёжлари учун ишла-тилди. Галлачиликнинг ўзидан келиган даромад 90 миллион сўмдан ошди.

Пахта ҳосили янада салмоқ-ли бўлди. 58,6 гектар майдон-дан 28 центнер ўрнига 40 цент-нердан ҳосил олинди. Давлатга

234,4 тонна пахта етказиб бе-рилган бўлса, "толиққан" техни-каларимизни қўздан кечириб, камчилик-нуқсонларини тўғри-лаш, ариқ-зоғуларни тозалаб, тартибга келтириш, дала чет-ларига маҳаллий ўғит чиқариш билан шуғулланаёмиз. Ҳаде-май галлани ўғитлашга кири-шамиз.

Қишда ҳам бекор ўтирмаёт-ган фермер яна бир хайрли мақсад ҳақида бош қотирмоқ-да. Олинаётган даромад ҳисо-бидан қорамол харид қилиб, чор-вачиликни ҳам йўлга қўймоқчи. Чунки, "керакли тошини оғири йўқ" деганларидек, бир пайлар сотиб олинган эски ферма би-носи мана энди тадбиркорга ас-қотиши мумкин.

Каримқул МАВЛОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

АҚШДА ЙИРИК ТЎҒОН ВА ГИДРОЭНЕРГЕТИКА ОБЪЕКТЛАРИ ҚУРИЛИШINI ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ ТАҚИҚЛОВЧИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Шу боис экология таш-килотлари ташаббуси билан қабул қилинган ва АҚШ-нинг барча ҳокимият тар-моқлари томонидан қўл-лаб-қувватланган маъзур нормалар кенг қўламли эко-логик, техноген ва иқтисоди-ий-иқтисодий фалокатларга сабаб бўладиган йирик гидро-энергетика объектларини қуриш лойиҳаларини амал-га оширишга йўл қўйиб бўлмаслиги аниқ ва тўғри ишорадир.

Марказий Осиё минтақа-сида йирик тўғон ва гидро-энергетика объектларини барпо этишга йўл қўймаслик эса аҳвол бундан-да мураккаблашди.

Бугунги кунда батамом эскирган, бундан 40 йил муқаддам – совет даврида шундай йирик тўғон ва гидро-энергетика объектлари қуриш лойиҳаларини қайта тиклашга қатъий уринишлар бўлмақда.

Бундай лойиҳаларнинг асосий хавфи томони шун-даки, электр энергияси тақ-чиллиги ва янги қувватлар-ни ташкил этиш муаммоси-ни ушбу лойиҳалар амалга оширилиши оқибатида бут-ун минтақа учун узоқ муд-датли ҳалокатли оқибатлар юзага келиши мумкинлиги-ни эътиборга олмай ҳал қилишга уринишлар бўлмақда.

Тўғонлар қурилиши Аму-дарё ва Сирдарёнинг қуйи оқимида жойлашган мамла-катларда ёз мавсумида сув ниҳоятда камайиб, узоқ вақт кучли қурғоқчилик юзага келиши, қишда эса фалокатли тошқинлар рўй бериши, экин майдонлари-нинг шўрланиши ва ҳосил-дорлик кескин камайиб, миллионлаб одамларнинг оч-наҳор ва ишсиз қолиши-га, аҳолининг бу ердан оммавий қўчиши сабаб бўлиши мумкин. Глобал экологик ҳалокат зонасига айланиб бораётган Орел денгизига туташ ҳудудлар-да эса аҳвол бундан-да мураккаблашди.

Бугунги кунда батамом эскирган, бундан 40 йил муқаддам – совет даврида шундай йирик тўғон ва гидро-энергетика объектлари қуриш лойиҳаларини қайта тиклашга қатъий уринишлар бўлмақда.

Бундай лойиҳаларнинг асосий хавфи томони шун-даки, электр энергияси тақ-чиллиги ва янги қувватлар-ни ташкил этиш муаммоси-ни ушбу лойиҳалар амалга оширилиши оқибатида бут-ун минтақа учун узоқ муд-датли ҳалокатли оқибатлар юзага келиши мумкинлиги-ни эътиборга олмай ҳал қилишга уринишлар бўлмақда.

Минтақа экологиясининг ўнглаб бўлмас даражада ўзгариб кетиши ва табиат-дан фойдаланиш бўйича юзага келган тизимлар ана шундай асосий хавфлар сирасига қиради. Бу Мар-казий Осиёда жиддий эко-логик ҳалокатнинг янада қучайишига олиб келиши мумкин. Йирик тўғонлар қурилиши минтақанин шун-доқ ҳам нозик экологик му-возанатини издан чиқариб, асосий сув оқимларини мавсумий тақсимлаш ва кўп йиллик бошқариш тизими-ни тўлиқ ўзгартириб юбо-ради, минтақадаги сув ре-сурслари тақчиллигини ҳалокат ёқасига келтириб қўяди.

Трансчегаравий дарёлар-да балан тўғонлар қури-лиши оқибатида юзага ке-ладиган хавф-хатарлар ҳақида гапирганда, халқаро ҳуқуқ нормалари, хусусан, БМТнинг мажбурий халқа-

ро мустақил экспертиза ўтказиш, зарар етказмаслик ва бундай лойиҳалар бўйи-ча барча манфаатдор мам-лакатлар билан келишиш зарурлиги ҳақида аниқ та-лаблар белгилашга тегиш-ли конвенцияларни (1997 йилги Атроф-муҳитга таъ-сирири баҳолаш тўғрисида-ги конвенция, Трансчегара-вий сув оқимлари ва халқа-ро қўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдала-ниш бўйича конвенция, Халқаро сув оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳа-қидаги конвенция) талаб-лари ҳисобга олинмиши шарт.

Шубҳасиз, АҚШда ушбу мамалакат парламенти ва ҳукуматининг маъзур маса-ла юзасидан қатъий пози-циясини аниқ ифода этган ушбу қонуннинг қабул қи-линиши ҳажон ҳамжамияти йирик тўғонлар ва гидро-электрстанциялар қурили-ши етказадиган мислсиз хавфлар оқибатини англаб етаётганидан яна бир қар-ра далолат беради.

Бу қарор Марказий Осиёда йирик тўғон ва гидро-электрстанциялар қуриш лойиҳасини амалга оши-ришга ўзарлик билан ин-тиляётганларни ҳўшёр тор-тириши даркор.

Юқорида қайд этилган халқаро молия институтла-ри Марказий Осиё минта-қасида асосий инвесторлар экани инобатга олинандан бўлса, қабул қилинган ушбу қонун бундай улкан лойи-ҳаларнинг амалга ошири-лиши етказадиган барча хавф-хатар ва оқибатларга яна бир бор теран қўз би-лан қарашга ундайди, шун-ингдек, мавжуд энергия тақчиллиги муаммосини ҳал этишининг муқобил йўлла-рига эътибор қаратиш бўйича янги имкониятлар яратоди. Зеро, муаммони ҳал этишининг муқобил йўллари экологик норма-ларни бузмайди, техноген ҳалокатларни келтириб чи-қармайди, Бирлашган Мил-латлар Ташкилоти томони-дан белгиланган халқаро ҳуқуқ нормаларига зид кел-майди.

С. ЖИГАРЁВ,
"Гидролойиҳа" институти директори.

Бу ҳақда вилоят ҳокимлик соатларида гапирилган эди

ҒАШГА ТЕҒАЁТГАН КУРМАКЛАР

Ҳудудларда турли ташки-лотлар, таълим муассасала-ри, аҳоли ўртасида ўзбек тили ҳафталиклари ва ой-ликлари, кўрик-танловлар ўтказиб келинмоқда. Май-дон, кўча ва гузарларга, бинолар олдига шпор ва пешлавҳалар ўрнатилганда асосий эътибор улар ўзбе-кони менталитет ва маъна-виятимизга мос бўлишига қаратиляпти. Жой номла-ри кўрсатилган лавҳалар, паннолар, реклама бель-бортлари, корхона, ташки-лот ва муассасалар пешто-қиди битиклар аввало ўзбек тилида, лотин харфи-да ёзиляпти. Аммо...

Гуруч курмаксиз бўл-майди деганларидек, шаҳар ва туманларимизда турли фирмалар, савдо ва хизмат кўрсатиш шахобчаларида рус ва хориж тилларида аралаш ёзилган пешлавҳа-лар ҳам учраб турибди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Фотолавҳаларга бир эъти-бор беринг-а. Қуйи Чирчиқ тумани марказида олинган суратда "МОУКА" атамаси қайси тилдан олинган-у, нечун лотин ёзувида битил-ган, унинг ўзбекча муқоби-лини топса бўлмасмиди, деган истихоло ҳеч кимни безовта қилмаётганимики?

Ёки "Одежда в большом ассортименте" дея бошлан-ғич битик қайси қонунга кўра буюшчос осилиб турибди деб сурағувчилар йўқми ту-манда?

Чирчиқ шаҳрида олинган суратларда ҳам қонунлари-мизга зид манзараларга дуч келамиз. Атама ва реклама



матларининг аввало ўзбек тилида, янги алифбода бе-рилиши кераклиги бу ерда баъзан эътиборсиз қарашаётгандек туюлади.

Бироқ, бизни энг лол қолдиргани Бўжа тумани

марказидаги кўрсаткич-ла-вҳа бўлди. "ТАХТА ЙОҒОЧ ДСП ДВП маҳсулотлари" деган матн қайси тил ва имло қондалари асосида ёзилганини унинг муал-лифлари ҳам аниқ айтиб бера олмасалар керак.

Кўплаб емакхона ва дў-конларда "ореп – cloze, открыто – закрыто, мы открыли" каби ёзувлар учрагани ҳолда давлат тилидаги шундай мазмулли лавҳалар йўқлигини-ку, айт-масак ҳам бўлар.

Тўғич БЕК,
Даврон АҲМАД олган суратлар.



(Давоми. Боши 1-бетда).

Тадбир

МАЪНАВИЯТ – ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Чиноз туман ҳокимлиги хотин-қизлар кўмитаси "Камолот" ЁИХ вилоят кенгаши билан ҳамкорликда Яллама қишлоғида "Ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи оммивий таҳдидларга қарши ёшларда мақуравий имунитетни шакллантириш" мавзuida давра суҳбати ўтказди.



Тадбирда қишлоқ ёшлари ва уларнинг ота-оналари, тегишли ташкилот ҳамда муассасалар вакиллари ва иходкорлар иштирок этишди.

Сўзга чиққанлар вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик, эрта турмуш қуриш ва қариндош-уруғлар орасидаги никоҳларнинг олдини олиш учун

ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаятган иллатларни бартараф этиш зарурлигини таъкидлашди.

Суҳбат сўнида ёшларнинг ақидаларест оқимлар таъсирига тушиб қолиши

ва қизларни эрта турмушга бериш оқибатлари ҳақида хикоя қилувчи "Ҳаҳолат гирдобид" номли ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Наргис ХАСНОВА, Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

ГОЛИБЛАРНИНГ КЎПИ БЕКОБОД ШАҲРИДАН

